



## ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР // МЕЖДУНАРОДНЫЕ ОТНОШЕНИЯ // INTERNATIONAL RELATIONS

**АБДУЛЛАЕВ НОДИР**  
сиёсий фанлар доктори, доцент, ТДШУ

### **Суриянинг сиёсий трансформацияси хусусиятлари**

**Аннотация.** Мақолада араб давлатларидағи сиёсий трансформацияни тадқиқ этишининг назарий-методологик жиҳатлари, Яқин Шарқ мамлакатлари хавфсизлиги ва барқарорлығига таҳдидлар, сиёсий трансформация муаммоси ҳозирғи замон сиёсатиунослиги нұқтаи назаридан тадқиқ этилған, хусусан, Сурияниң ички ва ташқи сиёсатидаги ўзгаришилар мамлакат хавфсизлиги ва барқарорлығига нисбатан таҳдидлар нұқтаи назаридан таҳтил қылған. Сурияниң сиёсий трансформацияси ривожланишидаги асосий тенденциялар, уни белгиловчи асосий омилларнинг шаклланиши ўрганилған. Сурия президентлари Ҳафиз Асад ва Башар Асад давридаги ташқи сиёсат қиёсий таҳтил қилиниб, сиёсий трансформация мамлакат ташқи сиёсати концепциясига муайян ўзгартыштар кириптегілген. Сурия инқизорзининг мінтақада хавфсизлик ва барқарорлыкни, шунингдек, міллій манфаатларни таъминлашыра таъсири, Яқин Шарққа “демократияни олиб кириш” жараённіда расмий Дамашқтің сиёсати тадқиқ этилған. Сурия муаммосининг сабаблари ва келиб чиққышыга имкон берган шарт-шароитлар ҳамда мамлакатда амалға оширилған ислоҳотларнинг мазмун-моҳияты очиб берилған. Яқин Шарқдагы янги геосиёсий ва геостратегик омилларнинг Сурияга таъсири тизимли таҳтил қылған. Глобаллашып туғайли Яқин Шарқ хавфсизлиги ва барқарорлығига нисбатан юзага келған таҳдидлар мінтақадаги сиёсий жараёнларнинг хусусиятini белгілаб бергани, мазкур жараёнларга ташқи құчларнинг аралашуви эса Суриядаги можарони көлтириб чиқарғани күрсатилған. Сурияда барқарор ривожланиши истиқболлары, давлат хавфсизлигини таъминлашыдаги муаммолар тадқиқ этилған. Давлат ички сиёсий ҳаётининг демократлашуви ҳамда либераллашуви мезонларининг устувор жиҳатлари мамлакатнинг міллій ҳамда тарихий-маданий анъаналаридан келиб чиқып белгиланиши көрсетилған.

**Таянч сұз за иборалар:** Сурия, ички сиёсат, сиёсий жараёнлар, демократия, Яқин Шарқ, сиёсий тизим, трансформация, ислоҳотлар, сиёсий маданият, сиёсий ривожланиши, либерал жасамият, Сурия можароси, давлат ҳокимиятты.

**Аннотация.** В статье рассматриваются теоретико-методологические аспекты изучения политической трансформации в арабском мире, угроз безопасности и стабильности на Ближнем Востоке, проблемы политической трансформации с точки зрения современной политической науки, в частности, угроз безопасности и стабильности в Сирия. Изучены основные тенденции развития политической трансформации Сирии, формирование основных определяющих ее факторов. Сравнительный анализ внешней политики президентов Сирии Хафеза Асада и Башара Асада показывает, что политическая трансформация внесла определенные изменения в концепцию внешней политики страны. Изучено влияние сирийского кризиса на безопасность и стабильность в регионе, а также национальные интересы, а также политика официального Дамаска в процессе «демократизации общества» на Ближний Восток. Раскрыты причины и условия сирийского кризиса и суть проводимых в стране реформ. Проведен системный анализ влияние новых геополитических и геостратегических факторов на Сирию на Ближнем Востоке. Угрозы безопасности и стабильности на Ближнем Востоке из-за глобализации определили характер политических процессов в регионе, а вмешательство внешних сил в эти процессы привело к конфликту в Сирии. Изучены перспективы устойчивого развития Сирии и проблемы в обеспечении национальной безопасности. Констатируется, что приоритеты критерииев демократизации и либерализации внутриполитической жизни должны определяться исходя из национальных и историко-культурных традиций страны.

**Опорные слова и выражения:** Сирия, внутренняя политика, политические процессы, демократия, Ближний Восток, политическая система, трансформация, реформы, политическая культура, политическое развитие, либеральное общество, сирийский конфликт, государственная власть.

**Abstract.** The article analyses the theoretical and methodological aspects of the study of political transformation in the Arab world, threats to security and stability in the Middle East, the problem of political transformation in terms of modern political science, in particular, threats to security and stability in Syria. The main trends in the development of Syria's political transformation, the formation of the main factors determining it are studied. A comparative analysis of the foreign policy of Syrian Presidents Hafez Assad and

*Bashar al-Assad shows that the political transformation has made certain changes in the concept of the country's foreign policy. The impact of the Syrian crisis on security and stability in the region, as well as national interests, and the policy of official Damascus in the process of "bringing democracy" to the Middle East have been studied. The causes and conditions of the Syrian crisis and the essence of the reforms carried out in the country have been revealed. The impact of new geopolitical and geostrategic factors on Syria in the Middle East has been systematically analyzed. Threats to security and stability in the Middle East due to globalization have determined the nature of political processes in the region, and the interference of external forces in these processes has led to the conflict in Syria. Prospects for sustainable development in Syria and problems in ensuring national security have been studied. It is stated that the priorities of the criteria for democratization and liberalization of domestic political life should be determined on the basis of national and historical and cultural traditions of the country.*

**Keywords and expressions:** Syria, domestic politics, political processes, democratization, Middle East, political system, transformation, reforms, political culture, political development, liberal society, Syrian conflict, state power.

Дунёда юз бераётган ҳарбий-сиёсий, ижтимоий-иктисодий ўзгаришлар турли давлатларда кечеётган сиёсий жараёнларга таъсир кўрсатиб, уларнинг жиддий трансформацияга учрашига олиб келмоқда. Бундай шароитда халқаро муносабатлар тизими ҳам ўзгариб бораётгани давлатлараро алоқаларни мамлакат хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш нуқтаи назаридан ташкил этишнинг аҳамиятини оширилмоқда. Суриядаги можаро Яқин Шарқдаги глобал трансформациянинг таркибий кисми сифатида намоён бўлиб, хавфли тенденцияларни келтириб чиқармоқда. Бу каби мураккаб ва таҳдидли жараёнлар таъсирида шарқшунос-сиёсатшунос олимлар араб давлатларидағи сиёсий ўзгаришларни улардаги жамиятларга хос хусусиятларни инобатга олган ҳолда чукур ва кенг миқёсда тадқиқ этишга алоҳида аҳамият бермоқда.

Ривожланган хорижий мамлакатларнинг қатор етакчи илмий тадқиқот муассасаларида араб давлатларидаги сиёсий жараёнларни, жумладан, уларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон яратган омилларни, хавфсизликни таъминлашга тўсқинлик қилаётган муаммоларни комплекс ўрганиш борасида кўплаб тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Уларнинг обьекти сифатида араб давлатларидаги сиёсий трансформация жараёнлари, диний, этноконфессионал зиддиятлар, экстремизм ва терроризмнинг кучайиши муаммолари чукур ўрганилмоқда. Бунда Сурия ички ва ташки сиёсатидаги ўзгаришларнинг мамлакат ривожланишига таъсири, ислоҳотлар самарадорлиги ва хавфсизлигини таъминлаш механизмларини илмий муаммо сифатида тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда<sup>1</sup>.

Суриянинг сиёсий трансформациясига доир тадқиқотларда ушбу мамлакат тараққиёт парадигмасини белгилашда муҳим ўрин тутувчи миллатлараро ва конфесиялараро бағрикенгликни таъминлаш стратегияси; давлат бошқарувига Ғарб либерализмiga хос мулкий индивидуализм тамойили кириб келиши мамлакатда сиёсий бекарорлик ва марказий бошқарув тизимининг заифлашуви омили эканлиги; умумараб муносабатларидаги янги тенденциялар, араб-Исройл можароси Яқин Шарқ давлатларига ички ва ташки таҳдидларни яратаетгани; араб давлатларидаги сиёсий трансформация Сурияни суннийлар, шиалар, алавийлар, курдлар, шунингдек, Эрон, Исройл, Туркия, АҚШ, Россиянинг ҳарбий-сиёсий манфаатлари тўқнашуви ва геосиёсий рақобат майдонига айланиб қолаётгани очиб берилади<sup>2</sup>.

Экспертлар нуқтаи назарича, араб давлатларида юзаки тарзда ўтказилган ислоҳотлар асосида амалга оширилган сиёсий ўзгаришлар давлат бошқарув тизимининг туб моҳиятига таъсир этмаган бўлса-да, фуқаролик жамиятини ривожлантиришга хизмат қилувчи бир қатор янги тенденцияларни келтириб чиқарган. Сурия раҳбарияти, бир

<sup>1</sup>Казанин В.М. Сирийский конфликт: оценки китайских специалистов. – М.: Институт Ближнего Востока, 2017. – 276 с.

<sup>2</sup>Харламов А.А. “Арабская весна” в Египте, Ливии, Сирии и ее последствия для глобальной и региональной безопасности: Дис. ...канд. полит. наук. –Нижний Новгород, 2016. -186 с.



томондан, сиёсий плюрализмни таъминлаб, бунинг учун кенг имкониятлар очиб бергани ҳолда, бошқа томондан, норматив хужжатлар ва маъмурий-хуқуқий воситалардан сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари эркинлигини чекловчи шарт-шароитларни яратишда фойдаланган<sup>1</sup>.

Ташқи кучларнинг араб давлатларига Ғарб моделидаги демократияни олиб киришни кўзда тутувчи “Катта Яқин Шарқ” дастурини амалга ошира бошлагани минтақа давлатларидағи хавфсизлик ва барқарорликни издан чиқариб, умумий вазиятга жиддий таъсир қилган. Суря ахолиси хукуматнинг сиёсий йўли ва қарор топган ижтимоий-иқтисодий вазиятдан қониқмаётгани, аммо амалдаги воқелик сиёсий тузумни ўзгартиришга баҳона бўлган. Давлат ва жамият муносабатларида ислом дини катта ўрин тутиши сабабли, ички сиёсий ўзгаришлар оқибатида радикал диний-экстремистик гурухлар кенг миқёсда намоён бўлган. Шу боис араб мамлакатларидағи сиёсий жараёнлар фақат ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар негизида шаклланмай, балки ташқаридан бошқарилгани таъкидланиб, мамлакатдаги тизимли зиддиятлар ҳар доим ҳам инқилобга сабаб бўлмайди, Суриядаги сиёсий ислоҳотлар маҳаллий элиталарни ўзгартирмади, бироқ ушбу давлатни жаҳоннинг “қайноқ нуқталар”идан бирига айлантириди деган хулоса қилинади.

Шулардан келиб чиқиб, араб сиёсий таҳлилчилари Яқин Шарқдаги ҳарбий-сиёсий агрессия, терроризм, экстремизм экспансияси каби перманент таҳдидлар юзага келган вазиятда хавф-хатарни бартараф этадиган, превентив чоралар кўрадиган хавфсизлик тизимиға таяниш, кучлар мувозанатига асосланган миллий хавфсизлик, ички ва ташқи сиёсат ҳамда ҳарбий стратегияни таъминловчи тизим яратиш зарур деб таъкидламоқда<sup>2</sup>.

Суриядаги сиёсий тузумни зўрлик билан ўзгартиришга йўл қўйилмагани, давлатчилик хорижий ҳамкорлар кўумагида сақлаб қолингани, можаро ҳарбий босқичдан сиёсий босқичга ўтгани, уни дипломатик воситалар билан ҳал қилиш учун шароит яратилгани Яқин Шарқ ва, айниқса, Суря учун геосиёсий жиҳатдан муҳим натижа бўлган. Бироқ минтақада янги геосиёсий вазият юзага келгани Яқин Шарқ муаммосини ҳал қилишда ҳарбий омилнинг ролини янада кучайтириди. Шу билан бирга, Суря миллий иқти-содиётини инқироздан чиқариш учун халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, сиёсий ислоҳотларни босқичма-босқич давом эттириш ишларида ҳарбийлар етакчилик қилмоқда.

Шулардан келиб чиқиб, президент Б.Асад Сурянинг мустақиллиги ва суверенитетини таъминлаб берувчи кучли хавфсизлик тизимини яратиш, мамлакатнинг мудофаа салоҳиятини кучайтириш билан бирга, вужудга келган имкониятдан керакли пайтда фойдаланиб қолиш учун куролли кучларнинг кудратини ошириб бориш ҳамда минтақада кучлар мувозанатига доимий равишда эътибор қаратиш зарур, деб таъкидлаш мумкин. Бундай шароитда Суря дипломатияси Яқин Шарқда хавфсизлик тизимини яратишда миллий, минтақавий манфаатларни, араб давлатлари ўртасидаги ва халқаро миқёсдаги манфаатларни хисобга олиши, хукумат ички сиёсий ислоҳотларни амалга ошириши учун минтақавий ташқи сиёсатининг аввалги устувор йўналишларини қайта кўриб чиқиши керак бўлмоқда.

Сурянинг институционал ва ижтимоий-маданий ривожланиш омиллари тузумнинг сиёсий трансформациясига таъсир этиши натижасида унинг ички ва ташқи сиёсатидаги ўзгаришларни, араб дунёси сиёсий трансформациясини ўрганишнинг долзарблиги ортиб бормоқда. Бунда Яқин Шарқнинг сиёсий трансформациясида муҳим роль ўйнаётган ҳозирги жараёнларни минтақадаги сиёсий кучларнинг бугунги мувозанати натижасида

<sup>1</sup> Казанин В.М. Сирийский конфликт: оценки китайских специалистов. – М.: Институт Ближнего Востока, 2017. – 276 с.

<sup>2</sup> Шахир ал-Фиялийн, Дина Шукайр. Араб давлатларидағи демократик транзит тўсиги // “Сиёсий ва юридик тадқиқотлар истиқболлари” журнали. Араб тилида: Муъайиқат ат-таҳаввул ад-димуқротий фий ад-дувал ал-арабийя // Мажалла Аафак лилабҳас ас-сиясия ва ас-сақафия ва ал-қанунийя, ал-жилд 3, агад 5, аъам شاهر الغیالین، دینا شقیر. معيقات التحول الديمقراطي في الدول العربية // مجلة آفاق للأبحاث السياسية والقانونية، عجلة، 2020. – С. 396-417. – С. 417-396. <https://www.asjp.cerist.dz/en/article/163044>



юзага келган тарихий ҳодисалар, ушбу ҳудуддаги асосий ижтимоий гурухлар ҳамда рақобатчи иқтисодий субъектлар, диний ва мағкуравий оқимлар таъсирида комплекс ўрганилмоқда. Араб давлатларидағи сиёсий трансформация жараёнлари “араб баҳори” воқеалари билан боғлиқ бўлибгина қолмай, ўз даврий кетма-кетлигига ҳам эга. Араб мамлакатларида сиёсий тузумларнинг ўзгариши эса мазкур воқеа-ҳодисаларнинг охирги босқичи бўлди. Шу боис араб давлатларининг сиёсий трансформациясини авторитар бошқарувдан демократия, фуқаролик жамияти, плюрализмга ўтиш йўли сифатида белгилаш мумкин.

Экспертларнинг нуқтаи назарича, Сурияда диний муносабатлар ва улардан келиб чиқадиган сиёсий вазият расмий Дамашқ ташқи сиёсатининг шаклланишига катта таъсир этган<sup>1</sup>. Сурияда кадрларга доир қарорларни қабул қилиш жараёни конфессионал жиҳатларга ҳам эга, асосий лавозимларга аҳолининг озчилигини ташкил этувчи алавийлар вакилларини тайинлаш амалиёти қарор топган ва бу президентнинг мавқеини мустаҳкамлашга қаратилган чора деб ҳисобланади.

Суриядаги воқеалар Яқин Шарқдаги глобал трансформациянинг таркибий қисми сифатида баҳоланиб, улар давлатнинг барқарорлигига таҳдид солувчи хавфли тенденцияларни келтириб чиқаргани таъкидланади. Суриянинг Истроил ва Туркия каби чегарадош давлатлар билан ўзаро муаммолари бунинг далили сифатида келтирилади. Суриядаги сиёсий можаро Дамашқнинг этник курдларга муносабатига таъсир қилиб, курдлар ўз давлатини тузиши учун қулай шароит яратган.

Сурияning йиллар давомида қарор топган сиёсий анъаналари мавжуд бўлиб, қарор қабул қилиш борасида ҳокимиятни ўз қўлида тўлик мужассамлаштирган давлат раҳбарининг шахси алоҳида аҳамиятга эга. Ташқи сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда араб дунёсига хос сиёсий маданият хусусиятлари инобатга олинади. Зоро, Сурияда ички бекарорлик ҳукм суроётган, ташқи босим кучайиб бораётган ҳозирги шароитда миллат етакчисининг қиёфаси тобора салмоқли, жипслаштирувчи аҳамиятга эга.

Айни пайтда Суриядаги сиёсий ўзгаришлар шароитида расмий Дамашқ ташқи сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш ўта мураккаб ва зиддиятли тарзда кечмоқда. Мамлакат катта геосиёсий, ҳарбий, иқтисодий салоҳиятга эгалиги унинг халқаро муносабатлар обьекти ва субъекти сифатидаги ролини белгилаб бермоқда. Ҳозирда Саудия давлат ўз суверенитетини мустаҳкамлаш учун изчил сиёсат олиб бораётгани, булар Суриянинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий тизимларни мустақил ривожлантиришга, маданий ўзига хослигини сақлаб қолиш ва ўз тақдирини мустақил белгилаш ҳуқуқини рўёбга чиқаришга, миллий манфаатларини амалга ошириш йўлида фаол ташқи сиёсат олиб боришга интилишида намоён бўлмоқда. Бунда Сурия ҳарбийлари ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини ишлаб чиқишида муҳим ўринга эга.

Ҳокимият транзити натижасида Б.Асаднинг президентлик лавозими гакелиши Сурия ички ва ташқи сиёсатидаги янги босқич сифатида баҳоланади. Ушбу мулоҳазазанин тасдиғи сифатида Б.Асад давлат бошқарувига ёш янги кадрларни (технократлар) жалб қилгани, мамлакат ички ва ташқи сиёсатининг асосий параметрларига ўзгартишлар киритгани кўрсатилади. Ички сиёсат нуқтаи назаридан қарагандан, Суриянинг Яқин Шарққа доир сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш механизми миллий манфаатларни ҳимоя қилиш, мамлакат тараққиёти ва хавфсизлигини таъминлаш учун қулай шароит яратиш зарурати билан боғлиқ бўлиб қолмоқда<sup>2</sup>.

<sup>1</sup>Мажид Аз-Замилий. “Араб баҳори” инқилоблари: сабаб ва натижалар // Маданий мулокот. – Миср. Араб тилида: Савраат ар-рабиъ ал-арабий: ал-асбаб ва ан-натаиж // Ал-Хивар ал-мутамаддун, Миср, сана 27.05.2013. 27.05.2013 ماجد الزاملي. ثورات الربيع العربي: الاسباب والنتائج // الحوار المتمدن، مصر، عاصمة: <http://www.ahewar.org/debat/show.art.asp?aid=361363>

<sup>2</sup>Ахмад Худур. Сурияда 2011 йилда бошланган урушнинг келиб чиқиши сабаблари // “Катихун” тадқиқотлар маркази веб-сайти. – Ливан. Араб тилида: Ҳазиҳи асбаб қиям ал-харб ал-мудаммира фий Сурия аъам 2011 // Марказ дирасаат “Катихун”, 16.10.2017



Башшар Асад ҳокимият тепасига келганидан сўнг асосий эътиборини иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, коррупцияга карши кураш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш каби мухим масалаларга қаратди. Сурияда демократик ислоҳотлар тўлиқ амалга ошмай қолишига ташки сиёсатдаги жиддий муаммоларни ҳал қилиш зарурати ҳамда “эски гвардия” билан муроса қилишга тўғри келгани эмас, балки давлат аппаратида коррупция кучайгани, мамлакатни янги иқтисодий ривожланиш моделига ўтказиш борасидаги уринишлар муваффақиятсизликка учраб, ижтимоий-сиёсий ислоҳотларнинг амалга оширилишига тўсқинлик қилгани сабаб бўлди. Сурияда диний-экстремистик гурухлар фаолияти тобора кучайиб бораётгани жиддий сиёсий қийинчиликларни келтириб чиқарди. Бундай шароитда иқтисодиётни янгилашга эътибор қаратилиб, мамлакатни сиёсий трансформация қолишига шароит яратилди. Хусусан, Б.Асад ёш мутахассисларга таянган ҳолда сиёсий ислоҳотлар ўтказиши натижасида Сурияning ички ва ташки сиёсатида либераллашув, фукаролик жамиятини яратиш элементлари кузатилди. Сурия президенти модернизация тарафдори бўлса-да, бироқ йиллар давомида мустаҳкамланган давлат тузумини сақлаб қолган ҳолда жамиятни хозирги ташки таҳдидларга мослаштиришга ҳаракат қилди.

Сурия ташки сиёсатининг стратегияси мамлакатнинг барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлашга қаратилди. Ушбу мақсадларни амалга ошириш учун Сурия минтақа давлатлари, шу жумладан, Истроил билан ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатишга интилди. Бироқ расмий Дамашқ Вашингтон маъмурияти билан амалий мулокот ўрната олмагани, Яқин Шарқдаги геосиёсий ва геостратегик вазият ўзгариши натижасида Сурия раҳбарияти минтақадаги ҳарбий-сиёсий вазиятга реал баҳо берган ҳолда асосий эътиборини Россия ва Хитой билан муносабатларни ривожлантиришга қаратди.

Суриянинг мамлакатдаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва диний шарт-шароитларни инобатга олмаган ҳолда сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни амалга оширгани қатор хавфли тенденцияларни келтириб чиқарди. Давлат ташки сиёсий курсини амалга оширишда муайян механизм мавжуд бўлиб, Дамашқ миллий манфаатларни таъминлаш йўлида ҳар қандай ташки омилга нисбатан ўз сиёсатини исталган пайтда ўзгартириши ва ички муаммоларни ҳал этишга йўналтириши мумкин.

Сурия муаммоси натижасида юзага келган ҳарбий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва диний жараёнлар динамикаси сақланиб қолаётган бир пайтда президент Башшар Асад давлат манфаатларига, хусусан, ички сиёсий вазиятга таҳдид солувчи турли ташки омилларни эҳтиёткорлик билан четлаб ўтиш тактикасини қўллади. Бундай шароитда Сурия раҳбариятининг ташки сиёсий стратегиясида минтақавий жараёнларга устунлик берилиши асослидир.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Яқин Шарқ муаммоси, Ироқ ва Ливан атрофидаги воқеалар ривожи Сурия миллий манфаатларига жиддий таҳдид solaётган бир вақтда расмий Дамашқ мамлакат атрофида хавфсиз ва барқарор мухит яратиш мақсадида ушбу йўналишларни ўз ташки сиёсий фаоллиги диккат-марказида ушлаб келди. Хусусан, Дамашқ маъмурияти мамлакатдаги ички сиёсий бекарорликдан хавфсираган ҳолда қўшни давлатларга нисбатан ўзининг ҳарбий-сиёсий имкониятлари доирасидаги чора-тадбирларни амалга оширишдан чекланди<sup>1</sup>. Зоро, Сурия раҳбарияти ташки ҳарбий-сиёсий воқелик мамлакатнинг миллий манфаатларига салбий таъсир кўрсатишининг олдини олиш учун юзага келиши мумкин бўлган минтақавий можарога ҳеч бир кўринишда қўшилмасликка муттасил равища ҳаракат қилмоқда. Жумладан, Сурия халқаро ҳамжамият билан муносабатларини кескинлаштираслик мақсадида Ливандан ўз қўшинларини олиб чиқиб кетгани, Истроилнинг Сурия ҳудудидаги обьектларга қарши авиаҳужумларига, АҚШ ва Туркияning ушбу ҳудуддаги ҳарбий ҳаракатларига қарши жиддий муносабат билдиримаётгани ҳам буни тасдиқлайди.

Сурия муаммоси “араб баҳори” деб номланган воқеалар асносида таҳлил қилинар экан, Башшар Асаднинг мамлакатдаги фавқулодда ҳолатни бекор қилиши, Сурияда янги

<sup>1</sup> Щегловин Ю.Б. Размышления о сирийском конфликте. – М.: Институт Ближнего Востока, 2018. – 118 с.



конституция юзасидан умумхалқ референдуми ўтказилиши, “Баас” партиясининг мамлакатдаги етакчилик роли бекор қилиниши, президентлик муддатига ҳамда сайлаш ва сайланиш хукуқларига ўзгартишлар киритилиши каби чора-тадбирлар вазиятнинг барқарорлашувига хизмат қилмади, деб қайд этиш мумкин.

Суриядаги демократик ислоҳотлар 2000 йилда Башшар Асад ҳокимият тепасига келиши билан бошланган. Ўшандан буён Сурия раҳбарияти жамиятдаги қатор долзарб муаммоларни ҳал қилиш чораларини кўрди. Булар, биринчি навбатда, сиёсий ва иқтисодий ҳётни демоқратлаштиришга қаратилган чоралар эди. Башшар Асаднинг жамиятни либераллаштиришга қаратилган сиёсати натижасида мамлакатда миллий мулоқот форумлари шаклланди. Ислоҳотлар изчил бўлмагани, амалга оширилган ўзгаришлар Суриядаги ички сиёсий вазиятни барқарорлаштиришга хизмат қилмагани боис давлат раҳбари бошлаган баъзи ташаббусларнинг амалга оширилиш имкониятлари мавжуд шарт-шароитлар нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқилди. Сурияда демократик ислоҳотлар тўлиқ амалга ошмай қолиши Ҳафиз Асад даврида шаклланган “эски гвардия”нинг сиёсий ўзгаришларга салбий муносабати ҳамда Дамашқ ташқи сиёсатдаги муаммолар билан ҳам боғлиқ эди. Зоро, президент раҳбарлигида амалга оширилган сиёсий-иқтисодий ислоҳотлар муҳолифатнинг деярли барча асосий талабларига жавоб берарди.

Шу боис Сурия инқирози ривожланишида қатор тенденциялар мавжуд деб қайд этилади: биринчидан, Башшар Асад инқироз бошида муҳолифат ва Ғарб давлатлари талаб қилган сиёсий ислоҳотларни қисқа вақт ичida ўтказишга интилгани; иккинчидан, Суриядаги хукуматга қарши қуролли гурухлар фаоллашиб, аҳолининг қўпчилигига президентни қўллаб-қувватлаш кайфияти кучайгани; учинчидан, Сурия инқирозига ташқи кучлар аралашуви ҳамда можаронинг минтақа ва ҳатто жаҳон миқёсигача кенгайиб кетиши. Сурия инқирози араб жамиятларидаги сиёсий тенденциялар ўзанида таҳлил қилинса, ҳалқ норозилиги ижтимоий-сиёсий инқирозни бошидан кечирган бошқа араб мамлакатлардагига ўхшашиб сабабларга кўра келиб чиққани, бироқ Миср ва Тунис воқеаларидан ривожланиш йўналиши ва омиллари билан фарқ қилиши намоён бўлади<sup>1</sup>.

Ҳозирда Яқин Шарқдаги можаролар тобора гибрид шаклда кечәётгани кузатилмоқда. Суриядаги диний фон юқори бўлмаган мусулмон давлатларида сиёсий ҳокимиятни ўзгаришишнинг янги технологияларини синовдан ўтказишга уриниб қўрилди. Шу боис ташқи таҳдидлар Суриядаги вазиятни бекарорлаштирувчи асосий омил деб баҳоланади, чунки президентлик сайловлари мамлакат аҳолисининг катта қисми Башшар Асадни ва унинг сиёсатини қўллаб-қувватлашини қўрсатди. Ташқи бузғунчи кучлар Суриядаги қонуний ҳокимиятни ағдаришга уринаётан бир шароитда президент Башшар Асад ислоҳотлар ўтказиш, ҳалқаро ҳамкорликни кенгайтириш орқали мамлакатда тинчлик ва барқарорлик ўрнатишга интилмоқда. Ҳозирги шароит Суриядаги ва умуман минтақадаги воқеа-ходисалар ахборот-коммуникация майдонини доимий кузатиб борадиган ҳамда давлатнинг ички ва ташқи сиёсатига таъсир қилиши мумкин бўлган салбий тенденцияларни олдиндан аниқлаб, бартараф этиб борадиган тегишли тузилмалар ташкил қилиш ва миллий хавфсизлик стратегияси ишлаб чиқишини тақозо этмоқда<sup>2</sup>.

Президент Башшар Асад 2000-йиллар бошида Ғарб давлатлари, биринчি навбатда, АҚШ билан хавфсизлик соҳасида яқин ҳамкорлик ўрнатиш орқали Яқин Шарқда Суриянинг манфаатлари инобатга олинишига эришилади, деган хulosада эди. Расмий Дамашқнинг ўз ташқи сиёсатини бундай мулоҳазадан келиб чиқиб ўзгаришига қўп жиҳатдан Миср президенти Ҳусний Муборак Сурия президенти Башшар Асад билан ўтказган мулоқотлари сабаб бўлганди. Сурия раҳбарияти АҚШ билан хавфсизлик соҳасида жиддий ҳамкорлик қилишга ва ташқи сиёсатига тузатишлар киритишга тайёрлигини турил воситалар орқали намойиш қилди.

<sup>1</sup>Трансформация в арабском мире и интересы России. Аналитический доклад / В.В.Наумкин, А.Г.Аксенок, И.Д.Звягельская, В.А.Кузнецов. – М.: Международный дискуссионный клуб «Валдай», 2012. – 92 с.

<sup>2</sup>Казанин В.М. Сирийский конфликт: оценки китайских специалистов. – М.: Институт Ближнего Востока, 2017. – 276 с.



Суриядаги сиёсий элита узок йиллар давомида армия ва маҳсус хизмат вакилларидан шаклланган бўлиб, улар тузумнинг таянчини ташкил этади. Сурия ҳукуматининг барқарорлигини таъминлашда қуролли кучлар ва хавфсизлик хизмати асосий ўрин тутади. Башшар Асаднинг қуролли кучлар таркибидаги ислоҳотлари ҳукмрон элитанинг барқарорлигига хизмат қиласидаган тизимни яратиш, конфессионал мувозанатни таъминлашга қаратилган бўлса-да, асосий ҳарбий лавозимларда алавийлар устунлик қилишда давом этди. Президент Сурияда террорчилик ташкилотлари йўқ қилинганидан кейин ҳам уларнинг қайта тикланиши хавфи сақланиб қолишини инобатга олиб, муҳолифатнинг мамлакатдаги барча маҳсус хизматларни тарқатиб юбориш ҳақидаги талабини рад этди. Башшар Асад буни маҳсус хизматларни тарқатиб юбориш мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатида туб ўзгаришларни амалга ошириш жараёнини секинлаштириб қўйиши билан изоҳлади. Бундай шароитда Сурия раҳбарияти мамлакатда кучли армия бўлмаса, суверенитетни тўлиқ тиклаш, сиёсий ислоҳотлар ўтказиш учун қулай муҳит яратиш қийин бўлишини тушунган ҳолда қуролли кучларни ислоҳ қилишга ҳаракат қилмоқда<sup>1</sup>.

Суриядаги можаро мамлакат аҳолиси, инфратузилмаси ва иқтисодиёти учун зарур малакали меҳнат ресурсларининг йўқотилиши, иқтисоднинг ва давлат хизматларининг издан чиқиши, миллий валютанинг қадрсизланиши каби ҳалокатли оқибатларга олиб келди. Президент Башшар Асаднинг мамлакатни тиклаш борасидаги саъй-ҳаракатлари эски ва янги элиталарнинг ҳукуматга садоқатини рағбатлантириш ҳамда Россия, Хитой ва Эрон каби халқаро ҳамкорларига Сурияning табиий бойликларидан фойдаланиши учун рухсат бериб, сарф-ҳаражатларини қоплашга қаратилган. Сурия президенти Башшар Асаднинг нуқтаи назарича, демократик ислоҳотлар ташқаридан олиб кирилиши эмас, балки араб жамиятлари эволюцион ривожланишининг натижаси бўлиши керак. Уруш ҳолати ва сиёсий муаммолар мавжуд бўлган жамиятда демократияни ривожлантириб бўлмайди. Демократик ислоҳотлар жамиятда пастдан тепага чиқиши, босқичма-босқич амалга оширилиши ва бунинг учун аввало ҳалқ уни қабул қилишга тайёр бўлиши керак.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, қуйидагиларни зикр этиш мумкин:

Суриядаги воқеалар Яқин Шарқдаги глобал ўзгаришларнинг таркибий қисми бўлмоқда. Ғарб давлатлари модели бўйича сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш талаблари барқарор ривожланиш йўлидаги Сурия жамиятида жиддий ўзгаришларга олиб келди. Сурия ички ва ташқи сиёсатида амалга оширилаётган чора-тадбирлар расмий Дамашқ мавжуд воқеликка жавоб берувчи сиёсий конъюнктура асосида ҳаракат қилишга мойиллигини кўрсатди. Сурия раҳбарияти ташқи сиёсий курсининг устувор йўналишларини ишлаб чиқишда ички сиёсий концепцияда белгиланган давлат хавфсизлиги ва барқарорлиги ҳамда Сурия жамиятини либераллаштириш ва ислоҳотларнинг муваффақиятли кечишини таъминлаш каби асосий параметрларни амалга оширишда қатъиятсизлик қилган. Сурия сиёсий элитаси ҳозирги таҳдидларга муносаб ва самарали чора кўра олмаяпти. Бундай шароитда ҳарбийлар Сурия давлати барқарорлигининг таянчига айланиб, ички ва ташқи сиёсий қарорларни қабул қилишда ҳал этувчи субъект мақомни олди.

Жамиятни демократлаштириш масаласи 2000-йиллардан бўён Сурия ички ва ташқи сиёсатининг муҳим элементларидан бири бўлди. Суриядаги сиёсий ислоҳотлар тайёргарликсиз, шошилинч равишда амалга оширилиши кутилмаган оқибатларга олиб келди, шу билан бирга, барча жамиятларга бир хилда мос келадиган демократия модели мавжуд эмаслигини кўрсатди. Суриядаги сиёсий ўзгаришлар изчиллашган бир шароитда мамлакатда ижтимоий ва иқтисодий соҳалардаги масалаларнинг ҳал этилиши иккинчи даражада қолиб кетгани сабабли мазкур йўналишдаги вазият мураккаблашди. Сиёсий эркинликлар ортиб борганига қарамай,

<sup>1</sup> Щегловин Ю.Б. Размышления о сирийском конфликте. – М.: Институт Ближнего Востока, 2018. – 218 с.



аҳолининг турмуш даражаси пасайгани Сурия жамиятида ижтимоий тангликини келтириб чиқарди.

Сурия Б.Асад президентлиги даврида жамиятни демократлаштириш, иқтисодий ўсиш ва барқарорликни таъминлаш йўлида муайян ютуқларга эришди. Аммо 2008 йилдаги халқаро молиявий инқироз Сурия аҳолисининг иқтисодий ҳолатига сезиларли таъсир қилди. Мамлакатдаги мураккаб иқтисодий вазиятдан радикал гурухлар ўз ғояларини илгари суришда фойдаланди. Бундай шароитда Сурия раҳбарияти халқнинг билим даражасини ошириш мамлакатда турли радикал ғояларнинг тарқалишига тўсқинлик қиласди, деган мулоҳазадан келиб чиқиб, мамлакатда таълим тизимини ислоҳ қилиш йўлида фаол саъй-ҳаракатлар қиласди.

Сурия ички ва ташқи сиёсатида ўзгаришларни амалга оширишда, биринчи навбатда, миллий манфаатларини таъминлаш принципидан келиб чиқади. Шу билан бирга, ушбу манфаатлар минтақавий ва халқаро миқёсда эътироф этилишига алоҳида эътибор беради. Бунда минтақадаги, биринчи навбатда, араб давлатлари билан дўстона ва шерикчилик алоқалари ўрнатилиши устувор йўналиш ҳисобланишидан келиб чиқиб, Сурия тажрибаси ҳар бир давлат ўзи жойлашган геосиёсий маконда қулай муҳит ва шарт-шароит яратади олиши ушбу мамлакат ички ва ташқи сиёсий концепциясини керакли ўзанда амалга оширишнинг асосий талабларидан бири эканлигини кўрсатмоқда.